

Таълимда АКТ Компетентлигини Прагматик Компетенцияни Корпусли Технологиялар Асосида Шакллантириш

(Назарова Н.Г.)

Аннотация: – Таълимда АКТ-компетентлигининг шаклланганлигини прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг психологик-педагогик шарти деб кўрсатиш лозим. Талабаларнинг ахборот технологиялардан фойдаланиш малакаси уларнинг корпусли технологиялардан муваффақиятли фойдаланишининг шубҳа остига олинмайдиган шартидир. Мақолада таълимда АКТ компетентлигини прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: АКТ, компетент, прагматик, психологик, педагогик, корпусли технология, кўникма, муносабат.

Kirish:

Авваламбор рақамли компетенция икки нуқтаи назардан ўрганилади: фойдаланувчининг хавфсизлиги даражаси, ҳамда АКТдан фойдалани этикаси нуқтаи назаридан. Таълимда АКТ-компетентлигининг шаклланганлигини прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг психологик-педагогик шарти деб кўрсатиш лозим. Талабаларнинг ахборот технологиялардан фойдаланиш малакаси уларнинг корпусли технологиялардан муваффақиятли фойдаланишининг шубҳа остига олинмайдиган шартидир. Хорижда АКТ-компетенциясига ўхшаш рақамли компетенция (digital competence) мавжуд. Рақамли компетенция 2006 йилда Европа парламентининг (European Parliament and the Council, 2006) тавсияси доирасида етти асосий компетенцияларнинг бошқа тушунчалари қаторида киритилган. Европа парламентининг тавсиясида қуйидагича ёзилган: “Рақамли технология ахборотлашган жамият технологияларидан (АЖТ) иш, дам олиш ва мулоқот қилиш учун ишончли ва танқидий фойдаланишни тақозо этади. Унинг асосида АКТ соҳасидаги асосий/базавий кўникмалар ётади: компьютерлардан ахборотни излаш, баҳолаш, сақлаш, ишлаб чиқариш, ва уни тақдим этиш, ҳамда Интернет орқали тармоқларда биргаликдаги мулоқот қилиш ва иштирок этиш учун фойдаланиш (European Parliament and the Council, 2006, 1 б.).

Юқорида кўрсатилган ҳужжатда рақамли компетенция билан бирга келадиган зарур билимлар, малакалар ва муносабатлар келтирилган ва улар 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Рақамли компетенциянинг таркиби

Билимлар	Кўникмалар	Муносабатлар
<ul style="list-style-type: none"> - талаб этиладиган малакалар ва компетенциялар; - ўқитиш жараёнида ўз заиф ва кучли томонлари; - ўқитишда ўзи учун энг яхши стратегиялар 	<ul style="list-style-type: none"> - АКТ соҳасида саводлилик; - ўқув жараёнини маҳорат билан ташкил этиш; - автоном иш ва мустақил интизомлилик; - манбаларга мурожаат қилиш малакаси 	<ul style="list-style-type: none"> - ютуққа эришига ишонч; - қийинчиликлар - ўқув жараёнининг ажралмас қисми; - тажриба ва янги бимларни бирга қўллаш

Россия методик адабиётларида ҳатто таълим ҳақидаги давлат стандартида ҳам белгиланган АКТ-компетенциялари атамасини қўллаш қабул қилинган. Лисоний-дидактикада қўллаш нуқтаи назаридан АКТни амалга оширишнинг бир неча омиллари ажратилади:

1. Маълумотларнинг ўтказилишининг тезлаштирилганлиги.
2. Янги тил муҳтига мослашишнинг тезлаштирилганлиги.
3. АКТ муҳтида ўқув вазифаларини самарали ечишнинг шакллантириладиган қобиляти.

Адабиётлар таҳлили.

¹ Фарғона политехника институти ўқитувчиси

АКТ-компетенцияни унинг компонент таркиби нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мумкин. Хорижий тилга ўқитиш соҳасида кўпчилик олимлар АКТ-компетенцияни компонентларга бўлишнинг ўз вариантларини таклиф этишган (масалан, Маркова Ю.Ю., 2011; Соломатина А.Г., 2011; Чернякова Т.А., 2012; Godwin-Jones В., 2003; Сёмич Ю.И, 2019). Олимларнинг тадқиқотчилик тажрибасини умумлаштириб, АКТ-компетенциянинг компонент таркибининг қуйидаги моделини куриш мумкин. Ушбу модель 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Таҳсил олувчиларнинг АКТ-компетенциясининг компонентлари

АКТ-компетенция компонентининг номи	Тушунтиришлар
<i>Хавфсиз фаолият компетенцияси</i>	АКТ-технологиялардан фойдаланиш учун хавфсиз коидаларга риоя қилишдан; ахборот хавфсизликнинг сақлаб туришдан иборат
<i>Излаш фаолияти компетенцияси</i>	Ўқув мақсадларида АКТда ахборот излашнинг самарали методларини танлаш малакасидан иборат
<i>Ахборотни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш компетенцияси</i>	Ўқув мақсадлари учун ахборотни тўғри саралаб олиш малакасидан; кераксиз ахборотга сабрли муносабатдан иборат
<i>Чиқарилган ахборотни қўллаш компетенцияси</i>	АКТ-манбаларидан ўқув мақсадлари учун олинган ахборотни қўллашдан иборат
<i>АКТ воситасида коммуникация компетенцияси</i>	АКТ-технологиялари орқали ўрганилداётган тилда коммуникатив амалларни амалга оширишдан иборат
<i>АКТдан маълумот олиш компетенцияси</i>	АКТнинг ахборот-маълумотнома ресурс-ларидан (масалан, электрон луғатлардан) фойдаланиш малакасидан иборат
<i>Бирга келадиган материални тайёрлаш компетенцияси</i>	Бирга қўлланиладиган мультимедия ва мономедия материалларни яратиш малакасидан иборат
<i>АКТнинг рефлексив кўникмалари компетенцияси</i>	АКТ-муҳитида ўз ва бошқанинг фаолиятини танқидий баҳолаш малакасидан иборат

АКТ-компетенциясидан ташқари АКТ-саводхонлик тушунчаси ҳам мавжуд. Унинг моҳияти компьютер технологияларидан фойдаланиш малакасидан иборат. Бундай кўникмалар АКТ-компетенцияни куришда асосий ҳисобланади. Улар компьютер ва бошқа электрон воситалар ва гажетлар билан асосий ишлаш амалларини эгаллаганликни, электрон почтадан, ижтимоий тармоқлардан ва ҳок. фойдаланиш малакасини эгаллаганликни ўз ичига олади. Демак, талабаларда АКТ-саводчилиқнинг йўқлиги, ва бунинг оқибатида, АКТ-компетенциянинг йўқлиги прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришга йўналтирилган таҳсил олишнинг имконсизлигига олиб келади

АКТ-компетентликнинг ўқитувчида шаклланганлиги прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг навбатдаги психологик-педагогик шарти ҳисобланади.

Хорижий методик адабиётларда педагогнинг АКТ-компетентлигини турли олимлар ўргнашган. Олим Р. Хэмпел (2005) анча аниқ моделни таклиф қилган биринчи олимлардан бири бўлди. Олим ўқитувчининг АКТ-компетенциясининг олти даражасини ажратиб кўрсатган. Бу даражалар кетма-кет боғлиқликда бўлади. Бошланғич даражада компьютер саводхонлиги амалга ошади. Кейинги даражада лисоний-дидактик дастурий таъминотдан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилади. Учинчи даражада АКТ-муҳитида хорижий тилга ўқитишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва чекловларни енгиб ўтиш малакасини ривожлантириш муҳим. Тўртинчи даражада АКТ-шароитларига муваффақиятлироқ мослашиш учун ижтимоий тармоқларни

эгаллаш амалга ошади. Бешингчи даража АКТ коммуникация воситаларидан фаол фойдаланишни назарда тутати. Сўнгги даражада АКТ-компетенциясининг тўла шаклланганлиги амалга ошади.

АКТ-компетентлигининг кейинги модели олим Л. Комптоннинг асарида келтирилган (Compton L., 2009). Бу моделда АКТ-компетенция уч блок ичида ўрганилади. Бу блоклар бир-бирларига боғланмаган, уларнинг ривожланиши изчил/кетма-кет ҳам, параллел равишда ҳам амалга оширилиши мумкин. Олим таклиф қилган биринчи блок технологик блок ҳисобланади. Иккинчи блок педагогик блок ҳисобланади. У педагогнинг компьютер ва бошқа компьютер техникасининг функционалини, жумладан асосий дастурий таъминотини эгаллашдан иборат. У бошқаларни, яъни таҳсил олувчиларни технологик блок бўйича ўзи олган билимларга ўргатишни ўз ичига олади. Сўнгги блок – баҳолаш блоки. Бу ерда АКТдан фойдаланиган таҳсил олувчиларнинг фаолиятини АКТ ёрдамида баҳолаш амалга ошади.

Муҳокама ва натижалар.

Уз методик адабиётларида олимлар П.В. Сисоев ва М.Н. Евстигнеев ўқитувчининг АКТ-компетентлигини унга бешта элементни кўшиб тасвирлайдилар:

- Когнитив: хорижий тил ўқитувчиларида ахборот-коммуникацион технологияларни эгаллаш кўникмалари мавжудлигини назарда тутати.
- Операцион: АКТни қўллаш амалиётига қаратилган.
- Аксиологик: хорижий тил машғулотларида таҳсил берувчи томонидан АКТни қўллашнинг мотивация берадиган томонидан иборат.
- Коммуникатив: АКТни ўрганилаётган тилда мулоқот доирасида қўллашни тақозо этади.
- Рефлексив: ўқитувчининг АКТ доирасида ўз малакасини баҳолаш қобилияти каби очилади (Сисоев П.В., Евстигнеев М.Н., 2011; Евстигнеев М.Н., 2011).

Демак, прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантириш учун ўқитувчида АКТ-компетенциянинг мавжудлигининг муҳимлиги шубҳасиздир.

Таҳсил олувчиларнинг прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг кўрсатилган алгоритмга риоя қилиши прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг бешинчи психологик-педагогик шарти ҳисобланади.

Хорижий тилга ўқитиш методикасида ўқитиш босқичларига сўзсиз риоя қилиш қабул қилинган. Тил тизим бўлгани туфайли, уни ўрганиш ҳам тизимлаштирилиши зарур. Бу ерда алгоритм муайян кўрсатилган босқичларга ва қадамларга риоя қилиш деб тушнилади. Ўқитишда алгоритмлаштириш (алгоритмизация) исталган натижаларга самаралироқ тарзда эришишга ёрдам беради.

Ўқитишни алгоритмлаштиришнинг афзаллик ва камчилик томонлари ҳақида айтиб ўтиш ўринли. Таълим жараёнининг иштирокчиларини айнан нима иш қилишларини, улар ўқув жараёнини бошқара олишларини аниқ билишлари унинг асосий афзаллик томони ҳисобланади. Бу таҳсил олувчилар учун таълим олишда мухторликни яхши ривожлантирувчи омил ҳисобланади. Аниқ алгоритмга риоя қилиш ўқув муаммоларини ечишга ижодий ёндашувнинг намоён бўлиши имкониятини йўқ қилади (Сластенин В.А., 2002).

Педагогик амалиётда аниқ алгоритмга риоя қилишдан воз кечиш муаммоларга ва нохуш вазиятларга олиб келган баъзи ҳолатларни кўриб чиқиш ўринли. Масалан, баъзи ҳолларда ўқишга бўлган мотивациянинг жиддий пасайиши кузатилиши мумкин, чунки тарқоқ билимлар идрок қилиш қилиш учун қийин бўлиб қолади ва ўқиш фанига қизиқишни пасайтиради. Бундан ташқари, мамлакатшунослик фани доирасида алгоритмлаштирилганликнинг йўқлиги ўрганилаётган маданиятларнинг нотўғри стереотиплаштиришга олиб келиши мумкин (Meagher M., Castanos F., 1996). Ажратиб кўрсатилган босқичларга риоя қилмасдан ўтказиладиган лойиҳалаштириш изланиш фаолияти ҳам фанни ўзлаштиришда қийинчиликларнинг намоён бўлишига олиб келиши мумкин. Интернетдаги ахборотлар жуда тарқоқ ва кўп ҳолларда зиддиятли. Талабалар тасодифий, биринчи учраган маълумотни топишлари ва уни танқидий баҳоламасдан туриб ҳақиқат деб қабул қилишлари мумкин. Бироқ, бошқа манбаларни эътибордан четда қолдириб, улар у ёки бошқа ҳодиса ҳақида нотўғри хулосалар чиқаришади. Бу ҳолат жиддий салбий оқибатларга олиб келмаса яхши бўлади албатта ва ўқитувчи уни осонлик билан ислоҳ қилади. Шунга қарамай, аниқ ташкил қилинмасдан ўтказилган тадқиқотлар ирқчилик ва камситишнинг бошқа турлари ҳаддан ортиқ намоён қилинган манбаларга мурожаат қилишга олиб келганлиги ҳолатлари бўлган (November A., 2012).

Таълим муҳитида маданиятлараро алоқаларда тушунмовчиликлар ва нотўғри талқинларга, бошқа халқларнинг маданияти ва одатлари ҳақидаги тушунча/тасаввурларнинг бузилишига олиб келган ҳолатлари содир бўлган. Талабаларга бошқа маданият вакилларига улар буни ўзлари билишлари ва бошқа маданият ҳақида билимлар олишлари учун ўз маданиятлари ҳақида сўзлаб бериш таклиф қилинди. Бироқ ўқитишни

алгоритмлаштиш нуктаи назаридан ёмон ташкил қилиш стереотиплар ва бошқа маданиятга нисбатан ўта слабий муносабатларнинг яратилишига олиб келди. Шу тариқа, иштирокчиларнинг кўпчилиги маданий шок ҳис қилдилар, лойиҳанинг турли маданият вакиллари орасида бир-бирларига нисбатан бағрикенглик муносабатларини яратишдан иборат мақсадига бутунлай эришилмади (Fischer G., 1998).

Ўқитиш жараёнидаги юқорида тасвирланган ҳолатлар педагог томонидан ташкилий таркибий қисмининг ёмон амалга оширилганлиги туфайли содир бўлди. Талабалар ахборотни ишонч даражаси паст бўлган манбалардан топишган ва бунинг оқибатида ўқитувчи томонидан талабаларнинг мухтор лойиҳалаштириш ишлари устидан етарлича назорат амалга оширилмаган. Бундан ташқари, қўйилган мақсадга эришиш учун босқичма-босқич ишлашга риоя қилиш таклиф қилинмаган.

Бундай мураккаб вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ўқув жараёнини ташкил қилиш соҳасида педагог учун бир неча тавсифлар мавжуд. Биринчидан, гуруҳ ичида ёки синфда қулай, соғлом микроклим яратиш ҳақида тадорик кўриш лозим. Жамоа ичида ижобий муносабатлар талабаларга ўқув фаолиятининг ҳар қандай босқичида улар маслаҳат сўрашлари мумкинлигини ва уларни қизиқтирадиган масала борасида тушунтиришлар олишни кутишларини ҳис қилишларига ёрдам беради. Иккинчидан, педагог мустақил ишни ўтказишнинг маълум бир намунаси ёки моделини таклиф қилиши, ҳамда талабаларни энг яхши ечимни топиш учун ҳамкорликда бўлиб, муҳокама қилиб ва ўз тажрибаларини алмашиш билан иш қилишларини тақдирлаши, маъқуллаши ҳам мумкин. Учинчидан, педагог ўқитиш, таҳсил олишнинг мақсади нимадан иборат эканлигини муайянлаштириш, ҳамда ўқитиш алгоритмининг батафсил сўзлаб бериши ўринли бўлади. Тўртинчидан, бутун ўқитиш давомида икки томонлама алоқа тамойилини қўллаш ўринли. Бу ўқитувчига ўқитиш, таҳлим жараёнини кузатиб бориш ва зарур ислоҳлар киритиш имконини беради. Ниҳоят, янада самаралироқ ўқитиш учун ўқув фаолиятини рефлексия қилиш лозим.

Буларнинг барчаси хорижий тилга ўқитиш соҳасидаги аксарият тадқиқотларда ўқитиш босқичларининг мавжуд бўлишини шартлайди. Шунингдек таҳсил олувчиларнинг прагматик компетенциясини корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг кўрсатилган алгоритмимга риоя қилишларини охириги психологик-педагогик шарт сифатида киритиш мумкин.

Хулоса.

Демак, илмий адабиётларини таҳлил қилгач, ўқитиш методикасини ҳисобга олганда ушбу бешта психологик-педагогик шарт-шароитларни прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантириш доирасида ажратиб кўрсатиш зарур ҳисобланади. Ушбу бешта психологик-педагогик шартлар орасида қуйидагиларни ўрганиш лозим:

1. Талабаларни прагматик компетенцияни корпусли технологияла асосида шакллантиришга мотивация қилиш.
2. Таҳсил олувчиларда хорижий тилдаги коммуникатив компетенциянинг В1 дан паст бўлмаган шаклланганлик даражаси.
3. Таҳсил олувчиларда АКТ-компетентликнинг шаклланганлиги.
4. Ўқитувчида АКТ-компетентликнинг шаклланганлиги.
5. Таҳсил олувчиларнинг прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг кўрсатилган алгоритмига риоя қилишлари.

Адабиётлар:

1. Евстигнеев М.Н. Структура ИКТ компетентности учителя иностранного языка // Язык и культура. 2011. № 1(13). С. 119–125.
2. Маркова Ю.Ю. Методика развития умений письменной речи студентов на основе вики–технологии (английский язык, языковой 160 вуз): автореф. дис. ... канд. пед. наук. М.: МГГУ им. М.А. Шолохова, 2011.
3. Сёмич Ю.И. Методика обучения студентов направления подготовки «Журналистика» иноязычному письменному высказыванию на основе корпусных технологий: автореферат дис. ... канд. пед. наук. Тамбов: ТГУ имени Г.Р. Державина, 2019.
4. Слостенин В.А. и др. Педагогика Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В.А. Слостенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов; Под ред. В.А. Слостенина. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 576 с.
5. Соломатина А.Г. Методика развития умений говорения и аудирования учащихся посредством учебных подкастов (английский язык, базовый уровень): автореферат дис. ... канд. пед. наук. М.: МГГУ им. М.А. Шолохова, 2011.
6. Сысоев П.В., Евстигнеев М.Н. Компетенция учителя иностранного языка в области использования информационно–коммуникационных технологий: определение понятий и компонентный состав //

- Иностранные языки в школе. 2011. № 6. С. 16–20.
7. Чернякова Т.А. Методика формирования лексических навыков студентов на основе лингвистического корпуса (английский язык, языковой вуз): автореферат дис. ... канд. пед. наук. М.: МГТУ имени М.А. Шолохова, 2012. – 149 с.
 8. Compton L. Preparing language teachers to teach language online: a look at skills, roles, and responsibilities // *Computer Assisted Language Learning*, 22/1, 2009. P. 73–99.
 9. Council of Europe. *Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment*. Council of Europe. 2011.
 10. Fischer G. E-mail in foreign language teaching. Towards the creation of virtual classrooms. Tübingen, Germany: Stauffenburg Medien, 1998.
 11. Godwin-Jones B. Blogs and wikis: Environment for on-line collaboration // *Language Learning and Technology*. 2003. № 2.
 12. Hampel R. New skills for new classrooms: training tutors to teach language online // *Computer Assisted Language Learning*, 18/4, 2005. P. 311–326.
 13. Meagher M., Castaños F. Perceptions of American culture: The impact of an electronically-mediated cultural exchange program on Mexican high school students // *Computer mediated communication. Linguistic, social and cross-cultural perspectives*. Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 1996. P. 187–201.
 14. November A. Teaching Zack to Think. *November Learning*. 2012.